

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY VA ЎRTA MAHSUS
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VAЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

380 Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 7 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1339-3

(2012 йил 1 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 341-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2004 й., 7-сон, 69-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1992 й., 12-сон, 37-модда), шунингдек, олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. 2004 йил 10 мартдаги 2-П ва 43-сонли Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 1339, 2004 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 15-сон, 184-модда) Олий таълим муассасалари талабаларига стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2012 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.

**Олий ва ўрта
махсус таълим вазири**

Б. ХОДИЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 2 август,
5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Hujjat 2012yil 13 avgust holatiga

380-381-моддалар

— 82 —

32 (532)-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 2 август,
56-сон